O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 7 ноябрь, № 217 (4116) • Сешанба

Бу йилги мавсумда «Чуст пахта толаси» акционерлик жамиятининг пахтани қайта ишлаш заводи салкам 20 минг тонна хомашёни қабул қилиб олди. Айни кунларда бу ерда иш уч сменада ташкил этилиб, янги ҳосилдан сифатли тола олинмоқда.

ЯНГИ ҲОСИЛДАН – СИФАТЛИ ТОЛА

«Пахта — 2006»

— Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва маҳсулот сифатини оширишга асосий эътиборни қаратяпмиз, — дейди сифат бўйича директор ўринбосари Раҳим Қурбонов. — Шу мақсадда эски ускуналар «5ДП-130» русумли янгиларига алмаштирилди, «Ц-6» русумли чанг ушлагичлар ўрнатилди. Бу эса ишлаб чиқариш самарадорлигини 60 фоизга ошириш, тола сифатини яхшилаш ва электр энергияси сарфини тенг ярмига камайтириш имконини бераяпти.

***СУРАТДА:** лаборант Шаҳноза Имомназарова тола сифатини кўздан кечирмоқда.*

Х. МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, «Адолат» социал демократик партияси фракцияси ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамкорлигида давра суҳбати бўлиб ўтди. «Ҳомийликнинг ҳуқуқий асоси: бугунги ҳолати ва истиқболи» деб номланган анжуман «Ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг муҳокамасига бағишланди.

ҚЎМИТА ВА ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Анжуман қатнашчилари қонун лойиҳаси ҳомийлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосларини белгилаш, давлат ҳокимияти, бошқарув органлари томонидан ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш, мазкур фаолиятни кенг ёйиш ва ривожлантиришга қаратилганлигини қайд этдилар. Айни пайтда ушбу қонуннинг қабул қилиниши ҳомийлик фаолияти тизимини ривожлантиришни таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий шароитлар ҳамда иқтисодий, молиявий механизмлар яратишини таъкидлашди.

Қизғин баҳс ва мунозаралар билан ўтган тадбирда «Ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш учун тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қайд этиш лозимки, ўтган ҳафтанинг жума куни Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Фидокорлар миллий демократик партияси фракцияси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида «Ҳомийлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш ва уларни такомиллаштириш масалалари» мавзуида семинар бўлиб ўтган эди. Тадбирда хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, ҳомийлик ташкилотлар мақомини аниқловчи, мувофиқлаштирувчи ва назорат қилувчи комиссия тузилиши ҳамда бундай ташкилот бўлмаган субъектлар учун ҳомийлик фаолиятини юритиш тартиби ва имтиёзлар бўйича таклифлар билдирилди.

* * *

Жорий йилнинг 7 ноябридан 25 ноябрига қадар республикамизнинг барча минтақаларида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг муҳокамасига бағишланган давра суҳбатларини ўтказиш режалаштирилган.

Кеча қуйи палатада Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда ЎзЛиДеп хузуридаги «Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази» ҳамкорлигида ана шу тадбирларни юқори савияда ўтказишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Маълумки, солиқ сиёсати жамиятдаги мавжуд шарт-шароитлар, қулайликларни барқарорлаштиришга кўмак беради ва мазкур сиёсат доимий равишда ривожлантириб боришни талаб этади. Шу боис, парламентимизда янги таҳрирдаги Солиқ кодекси устида қизғин иш олиб борилаётир.

Кеча бўлиб ўтган йиғилиш қатнашчилари ҳам кун тартибидаги масалани кўриб чиқиш жараёнида Солиқ кодексининг муҳокамасида мулкдорлар қатламининг таклиф ва мулоҳазаларини кенгроқ ўрганиш ҳамда уларни янги ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнида эътиборга олиш бўйича фикрлар билдиришди.

Йиғилишда кўриб чиқилган ва ялпи мажлис кун тартибига киритилган бошқа масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Шу куни «Миллий тикланиш» демократик партиясининг қуйи палатадаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ҳамда «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 71-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳалари (иккинчи ўқиш) муҳокама этилди.

Йиғилишда фракция аъзолари муҳокама этилган масалалар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўтган шанба куни Тошкент шаҳри, республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида экологик ҳашар ўтказилди.

Борлиқни поклаган ҳашар

"Экосан" халқаро ташкилоти "Экология ва саломатлик кунлари"нинг 3-босқичи Ҳомийлар ва шифокорлар йили дастури асосида ташкил этилган ушбу ҳашарнинг ташаббускори бўлди.

Қарийб олти миллион юртдошимиз иштирок этган ушбу тадбирда атроф-муҳитни ободонлаштириш ишлари бажарилди. Саноат ускуналарининг техник ҳолатини яхшилаш, қиш мавсумига тайёргарлик кўриш сингари ишлар билан бир қаторда кўча ва ҳовлилар тозаланиб, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Пойтахтимиздаги Ботаника боғида бўлиб ўтган ҳашарда доимий аньанага кўра мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари, Олий Мажлис депутатлари, ёзувчи ва шоирлар, таниқли санъаткорлар, экология масалалари билан шуғулланувчи олимлар иштирок этган бўлсалар, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида эса университетнинг профессор-ўқитувчилари, талабалар ва "Экосан" фаоллари қатнашди. Шу куни университет ҳудудида ободонлаштириш ишлари бажарилди, энг фаол талабаларга "Экосан"нинг эсдалик совғалари топширилди.

Эътироф этиш керакки, умумреспублика экологик ҳашаридан тушган маблағ Оролбўйи ва бошқа экологик ноқулай ҳудудлардаги кам таъминланган оилаларга, ижтимоий объектларга, тиббиёт муассасалари ва ходимларига ёрдам кўрсатиш мақсадида юборилади.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

Ифтихор

Инсоният кечмиши ҳақида ўйлаганда кўнгилдан ажиб туйғулар ўтади. Тарихнинг асрлар билан ўлчанадиган масофаларида қандайдир осудалик, сукунат ҳукм суради-ю, бирдан оламшумул воқеа рўй бериб, янги давр бошланиб кетгандай бўлади. Гарчанд бундай тарихий ҳодисалар бирдан рўй бергандай туюлса-да, унинг замирида ўзаро чамбарчас боғланган силсилавий омиллар ётади. XI асрда илму маърифат ҳомийси Али ибн Маъмуннинг ўша даврда ҳукмронлик қилгани-ю, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср ибн Ироқ каби даҳоларнинг айнан шу макон ва замонда умргузаронлик қилишида илоҳий қудрат бор, десак ишонаверинг.

ТАРИХ ТАСОДИФДАН МУСТАСНО

Ҳа, бамисоли машъала каби нур таратиб турган тарихий воқеалар олдинма-кетин уланиб кетган, ўзаро уйғунлашган ҳолатда воқеликнинг мантиқий ҳосиласини ўзида ифода этади. Зотан, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлашимиз ҳам тасодифан рўй бергани йўқ. Бунинг учун халқимиз пешонасига жасур ва довюрак Йўлбошчи битиши, унинг бошчилигида эрксевар миллат мустақиллиқни қўлга киритиши керак эди. Минг шукрки, Юртбошимиз узоқни кўзлаб сиёсат юритиш, бутун мамлакат аҳлини олға бошлаш йўлида қутлуғ қадамлар қўйётганини, тарихий ташаббусларга бош бўлаётганини бугун жумлаи жаҳон тан олмоқда.

Мустақиллик йилларида бундай юлдузли онлар рўй берганда ҳар гал Президентнинг миллат манфаати учун беҳад қайғуришига ич-ичимиздан тан берганмиз ва кўп ҳолларда нега шу фикр бизнинг хаёлимизга келмади-я деган ўйга ҳам борганмиз.

Шу ўринда ташаккур дейишга арзийдиган бир тарихий лаҳзани эсга олайлик. 1997 йил 20 октябрь. Қадимий Хива шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланмоқда. Минбарда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзламоқда. Табиийки, ушбу қутлов сўзларида бу кўҳна заминда рўй берган муҳим воқеалар тилга олинди. «Бундан минг йил муқаддам одамзот тарихидаги илк академиялардан бўлмиш — Маъмун академияси Хоразм заминида ташкил топгани билан ҳар қанча фахрланса арзийди» деган сўзлар янграганда барчанинг кўнглида ифтихор ҳислари жўш урди. Ана шу ҳаяжонли онларда кўпчилик учун кутилмаган таклиф айтилди: «Ўйлайманки, биз Маъмун академиясини Хоразм заминида қайтадан ташкил этсак, кўп улуғ иш бўлур эди». Кечагидек эсимда, бу янги, фақат ўз юртининг ёруғ кунларини кўнглига тукканинсонгина айтиши мумкин бўлган ташаббус гулдурос олқишлар билан кутиб олинганди. Байрам шукуҳи бир неча карра юксак мақомга кўтарилди. Ҳам ўтмиш шарафланди, ҳам илм-фанга беқиёс эъзоз кўрсатилди.

Хоразм Маъмун академияси 1000 йиллиги арафасида юртимиздаги жамики оммавий ахборот воситаларида бу оламшумул воқеанинг аҳамияти ҳақида кўплаб чиқишлар қилинди. Саҳифа-саҳифа мақолалар, соатлаб туркум телекўрсатув ва радио эшиттиришлар Маъмун академияси ҳақида ҳикоя қилди. Лекин асосий гап Маъмун академиясининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда айтилди. Президентимиз олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари, хорижий меҳмонлар ҳузурида: «Бугун имкониятдан фойдаланиб, мен республикамиз олий ўқув юртлари, лицей ва коллежларида Хоразм Маъмун академиясининг инсоният тарихида чуқур из қолдирган бебаҳо меросини ўрганиш бўйича факультатив дарс ва семинарлар киритишни ва бунинг учун Фанлар академиямиз томонидан керакли дастур тайёрлашни таклиф этмоқчиман» деган сўзларни айтганда Хоразм замини олқишларга тўлиб кетди. Бу калом ойнаи жаҳон орқали янграганда бутун мамлакат, чет эллардаги маърифатли кишилар қалби яйради. Негаки, биргина ана шу янгилик замирида бениҳоя катта маъно мужассам эди. Бундай ажойиб фикр мамлакат раҳбари томонидан изҳор этилиши янада салмоқли маъно касб этарди. Демак, ўтмишимиз буюк деб фақат ғурурланиш билан иш битмайди. Бундай тўй-томошаларни кимларгадир мақтаниш учун ўтказаётганимиз йўқ. Агар ўсиб келаётган авлод ўз халқининг қанчалик муаззам ва мукаррам эканлигини қалбдан англаса, ундан буюк бунёдкорлик қадамларини кутиш мумкин. Зуваласи эзгуликдан пишитилган халқ кўнглида фақат эзгу туйғулар яшайди.

Не бахтки, тарихимизнинг шу юлдузли лаҳзалари сиз ва бизнинг кўз ўнгимизда рўй бермоқда. Ҳали нечанеча замонлар ўтганда ҳам миллатимиз солномасига битилган бу зарҳал сатрлар ажиб эъзоз ва эҳтиром ила ёдга олинур.

Шоҳруҳ ЖАЪФАРОВ.

Қарор ва ижро

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК:

БАРЧА ЗАРУР ЧОРАЛАР КЎРИЛМОҚДА

Мамлакатимизда энергетика тизимининг куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш, совуқ ва ёғин-сочинли кунларда аҳоли тураржойларини, ижтимоий объектларни талаб даражасида иситиш, ёритиш каби зарур шароит билан узлуксиз таъминлаш ишларига ҳар йилгидан ҳам пухтароқ ҳозирлик кўрилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 20 апрелда эълон қилинган «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2006-2007 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз борди. Унда мутасадди идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директори Ў.Холмуҳамедов, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси бош директори Э.Вагапов, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Б.Тешабоев жойларда куз-қиш мавсумига тайёргарликнинг бориши ва бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар юзасидан ахборот берди.

Мавсумга тайёргарлик доирасида 597 мактаб, 12 меҳрибонлик уйи, 426 болалар боғчаси ҳамда 150 дан ортиқ шифохона мукаммал таъмирдан чиқарилди. 174 иситиш қозонхонаси мавсумга шай ҳолатга келтирилди. Ўнлаб километр иссиқлик, 152 километр ичимлик сув тармоқларидаги эскирган қувурлар алмаштирилди. Аҳолини куз-қиш мавсумида бир маромдаги газ босими билан доимий таъминлаш мақсадида қарийб 547 километр газ тармоқлари мукаммал, етмиш бир мингдан зиёд газ тарқатиш пунктлари жорий таъмирланди.

Мутасадди раҳбарлар журналистларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.

Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.

Дунё нигоҳи

Патрисия БАТАЙ, Франциянинг «Имажин эвентс» сайёҳлик фирмаси ходими:

— Кўплаб французлар Ўзбекистонга саёҳат қилишни хоҳлашини яхши биламан. Улар халқингиз маданияти ва тарихи билан яқиндан танишишни истайди. Ўйлашимча, икки мамлакат ҳам турли соҳаларда имкон қадар кенгроқ алоқа ўрнатишдан манфаатдор бўлиб, сайёҳлик айнан шу мақсадга хизмат қилади. Жорий йилда Ўзбекистонга 7 минг нафар француз сайёҳи ташриф буюрди. Дувилдаги кўргазмадан кейин бу кўрсаткич янада ортишига ишончим комил.

Навбатдаги сонларда

Зиёли минбари

ҚОМУСИМИЗ — НОМУСИМИЗ

ДАРАХТЛАР МИНГ ЙИЛ ЯШАЙДИ

Очерк

Замонамиз қаҳрамонлари

УМР СУВДАЙ ОҚАВЕРАДИ...

Йод етишмовчилиги:

МУАММО ҲАЛ ЭТИЛИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИЛМОҚДА

Парламент ҳаёти

Ривожланган мамлакатларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш долзарб масала ҳисобланади. Зеро, аҳолиси ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом юртда муаммолар кам учрайди, тинчлик-осойишталик, эзгулик, тотувлик, барқарорлик ва тараққиёт ҳукм суради. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият эканлиги эътироф этилган. Бу эса юртимиздаги барча саъй-ҳаракатлар аҳолининг фаровон, соғлом ва тўкис ҳаёт кечиришини таъминлаш учун хизмат қилажагини билдиради.

Инсоннинг соғлом бўлиши кўп жиҳатдан унинг ўзига, турмуш тарзини қандай олиб боришига боғлиқ. Аммо, ҳар доим ҳам инсоннинг фақат ўзига боғлиқ бўлмаган масалалар ҳам учраб туради. Ана шулардан бири организмда йод элементининг етишмовчилиги ҳолатидир.

Мамлакатимиз географик жойлашиши жиҳатидан буқоқ касаллигининг тарқалиши нуқтаи назаридан эндемик ҳудудлар сирасига киради. Яъни, бизнинг минтақамизда буқоқ касаллиги йоднинг табиатимизда (ер, сувда) учрамаслиги, танқислиги оқибатида келиб чиқади. Ўзбекистон аҳолисининг йодга бўлган эҳтиёжи фақат озиқ-овқат маҳсулотлари, тўғриғоғи, кўпроқ йодланган ош тузи орқалигина қондирилади. Конституциямизнинг 13 иллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Юртбошимиз «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинган 2005 йилда юртимизда амалга оширилган кенг кўламли ишлар, эришилган катта ижобий натижаларни таъкидлаб ўтиб, айнан шу йил тиббиёт соҳасининг янги босқичга кўтарилишига ва пировардида, халқимиз ҳаётига ижобий таъсир кўрсатгани ҳақида алоҳида тўхталдилар. Маърузада таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш учун яна бир қатор ибратли тажриба жорий этилди. Яъни, организмда темир моддаси етишмаслиги билан боғлиқ бўлган камқонликка қарши темир моддаси билан бойитилган махсус ун ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолиси саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётган йод етишмовчилиги билан боғлиқ касалликлар ҳолати эндигина юзага келган муаммо эмас. Бу муаммони ҳал этишнинг йўли битта, у ҳам бўлса, ҳам давлат учун, ҳам барча инсонлар учун арзон ва осон йўл — тузларни йодлашдир. Организмда йод етишмовчилиги ҳолати оғир жисмоний ва ақлий, руҳий ўзгаришларга олиб келишини инобатга олган ҳолда "Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастурини амалга ошириш Республика комиссияси томонидан «Ўзбекистонда 2005-2009 йилларда йод танқислиги касалликларининг олдини олиш ва камайтириш бўйича Давлат дастури» қабул қилинган бўлиб, ушбу йўналишда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ер юзидаги қатор давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ушбу муаммони самарали ҳал этиш масаласи йод етишмовчилиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ёки ош тузини йодлаш мажбуриятлари бўйича қонун қабул қилиниши билан амалга оширилиши мумкин. Жаҳоннинг 98 та мамлакатида, шу жумладан, қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбойжон каби давлатларда йод етишмовчилиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олишга қаратилган қонунлар қабул қилинган.

"Йод етишмовчилиги билан боғлиқ бўлган касалликларнинг олдини олиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасида йод етишмовчилиги ҳолатларини бартараф этиш мақсадида, олимлар, шунингдек, йодланган туз, йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари, дори воситаларини ишлаб чиқарувчи мутахассисларнинг фикр ва тажрибалари асосида ишлаб чиқилган. Ушбу қонун лойиҳасида йодланган туз, тузни қайта йодлаш, йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари, йод етишмаслиги оқибатида келиб чиқадиган касалликлар, йод етишмаслиги ҳолатларининг олдини олиш, қайта йодлаш, сохталаштирилган ош тузи каби асосий тушунчаларга таъриф берилган. Мазкур қонун билан эса тузни йодлашга ўрнатилган талабларга риоя қилмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туз ишлаб чиқариш, олиб келиш ҳамда сотиш, туз сифатларини атайлаб ўзгартириш ёки сифати тўғрисидаги маълумотни нотўғри кўрсатиш ва таркибида йод етарли даражада бўлмаган ош тузини ишлаб чиқариш, олиб келиш, олиб чиқиш ва сотиш таъқиқланиши тартибга солинади.

Лойиҳада йодланган ош тузи, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ош тузини йодлаш технологик жараёнини кузатиш ва сақлаш босқичида ош тузидаги йод миқдори устидан назорат қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Ош тузини ишлаб чиқариш фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши мумкинлиги ҳам қатъий кўрсатилган. Бундан ташқари, йодланган ош тузи ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар уларни сотиш, ташиш ва сақлашни сифати ва хавфсизлигини кафолатлайдиган талабларга риоя қилган ҳолдагина амалга оширишлари мумкин. Ушбу маҳсулотларнинг яроқлилик муддатлари тўғрисидаги ҳаққоний ахборотни бериш мажбурияти ҳамда уларга мувофиқлик сертификатисиз йодланган ош тузи, йодланган озиқ-овқат маҳсулотлари, яроқлилик муддати тугаган йодланган ош тузи, озиқ-овқат маҳсулотларини сотишлар таъқиқланади. Маҳсулотларни сертификатлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Йод етишмовчилиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш юзасидан ўтказиладиган чора-тадбирлар харажатларини молиялаштириш бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган манбалар ҳисобидан амалга оширилади. Йод етишмаслиги билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари ҳам лойиҳада эътироф этилган.

Таъкидлаш жоизки, тегишли Қонуннинг қабул қилиниши яқин йилларда бу борада мамлакатимиз аҳолисини ташвишга солиб келаётган муаммоларни ҳал қилишнинг реал имкониятларини яратади. Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан қўйи палата ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган ҳамда қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган "Йод етишмовчилиги билан боғлиқ бўлган касалликларнинг олдини олиш тўғрисида" ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши қисқа вақт ичида бу борадаги мавжуд муаммоларни лаҳзада ҳал этади-қўяди, деган гап эмас. Энг аввало, биз ҳар биримиз ўз саломатлигимиз, ўз фарзандларимиз, оила аъзоларимиз саломатлиги устида қайғуришимиз, соғлом турмуш тарзига риоя этишимиз, энг муҳими, ўзимизни йодланмаган ош тузини истеъмол қилишдан муҳофаза қилишимиз зарур. Аҳоли ўртасида йод етишмовчилиги ҳолати, унинг асоратлари ва олдини олиш йўллари юзасидан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларини бўшаштирмаслигимиз тақозо этилади.

Зуҳра БОТИРОВА,
Аслиддин РУСТАМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари.

Конституция — тақдиримизда

Юртимизда ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш борасида ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Бу эса мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрў-эътибори тобора мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этаётир. Фуқароларимизнинг бугунги тинч-тотув ҳаёти ва юртимиздаги барқарорликни ҳеч ким инкор эта олмайди. Ҳар биримиз уни қадрлашимиз, асраб-авайлашимиз зарур. Асосий Қонунимизда аҳолининг миллий ва маданий анъаналари, барча ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократик принципларни қарор топтириш белгилаб қўйилган.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ

Мамлакатимизнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида 2002 йилнинг январь ойида ўтазилган умумхалқ референдумида Конституциямизга бир қатор муҳим ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддати 5 йилдан 7 йилга ўзгартирилди, мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлиснинг икки палатали тизимга ўтилиши қонуний мустаҳкамланди. Сайловлар ўтказилишининг аниқ вақти белгиланди. Шубҳасиз, Конституция фуқароларимизнинг миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштиришга бўлган эътиқодининг ёрқин ифодасидир. Биз ёшлар бу билан нафақат фахрланамиз, балки минглаб йиллик тарихга эга бўлган ўзбек миллий давлатчилигининг келажаги ишончли қўлларда эканлиги билан ғурурланамиз. Ўзбек халқи ўз озодлиги, эркинлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш йўлида собитқадамлигига амин бўлиб, давлатимизнинг келажаги буюк бўлишига комил ишонч ҳосил қиламиз.

Конституциявий тараққиётимизнинг яна бир муҳим жиҳати — давлатимиз ривожланишида инсонпарварлик тамойилларининг муттасил кучайиб бораётганлигидир. Жиноий жазоларни либераллаштириш, ижтимоий адолат, қонунни бузган жиноятчилар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлашга эришиш Ўзбекистондаги конституциявий ҳуқуқий тараққиётнинг бош мақсадидир.

Ислоҳотларни изчил ўтказиш давомида Ўзбекистонда фуқароларнинг давлат ва жамиятни идора қилиш ҳамда бошқаришда кенг ва фаол иштирок этишини таъминлайдиган муассасалар, мафкуралар ва қарашлар турфалиги асосида қурилган янги демократик сиёсий тизим шаклланди. Тизимнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари Конституциямизнинг 7-моддасида "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" деб мустаҳкамлаб қўйилган. Яъни давлат ҳокимияти халқ манфаатлари йўлида, унга берилган қонуний ваколатлар асосида ўз сиёсатини олиб боради. Халқ ҳокимиятининг амал қилиш қоидаси эса 11-моддада қайд этилган — "Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади". Мазкур ҳокимият тармоқларининг мустақиллиги, бир-бирига босим ўтказиш эҳтимолига қатъий чек қўювчи ҳолатлар ҳам Бош Қомусимизда белгилаб қўйилган.

Суд ҳокимияти ҳам тамомила мустақил ва дахлсиздир. "Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади", "Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар, судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади". Ҳокимиятнинг бу тармоқлари Конституция ва қонунлар устуворлигини сўзсиз эътироф этиш асосида фаолият юритади ва қуйидаги демократик принципга риоя этиши шарт: "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас".

Ушбу конституциявий-ҳуқуқий асосларнинг яратилиши Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамияти сари илдам қадам ташлашнинг асосидир.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва кафолатлаш жараёнининг мунтазамлигини таъминлашни кўзда тутувчи бутун бир тизим – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари миллий маркази ва бошқа институтлар фаолият юритмоқда.

Дунёдаги энг ривожланган давлатлар Конституцияларида қайд этилгани каби Ўзбекистоннинг Асосий Қонунида ҳам мамлакатимизда сайлов жараёнларининг демократик асосда ўтказилиши, сайлов натижаларининг холислиги, умумий ва яширин овоз бериш тартиби, сайловолди тарғиботи учун яратиладиган шарт-шароитлар, сайловларда оммавий ахборот воситаларининг иштироки, ушбу сиёсий тадбир жараёнида техник ва типографик воситалардан фойдаланиш, сайловларнинг молиявий ресурслар билан таъминлаш кафолатлари мустаҳкамлаб берилган.

Таъкидлаш лозимки, Конституциямизнинг умумэътироф этган халқаро ҳуқуқ талаблари, қоидалари ва меъёрларига мос қилиб тузилганлиги, мамлакатимиз ҳаётида самарали ишлайдиган демократик механизм, тарғиботлар учун асос яратилганлигининг инъикосидир. Бош қомусимиз мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш учун асос ва муҳим таянч бўлиб хизмат қилаверади.

Севара СОБИРОВА,
Улуғбек ҲУСАИНОВ.

Тадбиркор фаолияти – ҳимояда

«Жиззахпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига қарашли Учтепа нотўқима матолари корхонаси масъулияти чекланган жамиятга айлантирилгач, ишчилар сони 43 нафарга етди.

Жамият раиси Раҳмон Турсуновнинг таъкидлашича, айниқса, тадбиркорларга яратилаётган шароит, ҳисоботларнинг енгиллаштирилиши, текширишларнинг камайиши, назорат органларининг иш жараёнига асоссиз аралашувларига чек қўйилгани ишлаб чиқариш суръати ошишига хизмат қилмоқда.

— 2007 йилги солиқ сиёсатининг концепцияси эса, кичик бизнес корхоналари ва микрофирмалар учун янада кўпроқ имкониятлар яратади, — дейди у.

Гап шундаки, ҳисобкитобларга кўра, 2007 йилда нотўқима матолари корхонаси фақат ягона солиқ ставкасининг 13 фоиздан 10 фоизга камайтирилиши эвазига 1 миллион 727,5 минг сўм иқтисод қилиши кутилмоқда. Жамиятда ана шу маблағ ҳисобига цехлар кенгайтирилиб, янги иш ўринлари яратилади.

Ўз мухбиримиз.

Фармон ва ижро

Мустақил мамлакатимиз ҳаётида ҳар бир маҳалланинг ўз ўрни ва роли бор. Шундай экан, маҳаллаларда фуқароларнинг, энг аввало, ёшлар ва хотин-қизларнинг ролини оширмасдан туриб, келажак пойдеворини қуриб бўлмайди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда шу масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 299-сонли қарори маҳаллаларда хотин-қизлар, хусусан, барча аёлларнинг ҳамма соҳаларда фаоллигини оширишга қаратилгандир. Шу ҳужжатлар асосида жорий этилган фуқаролар йиғинларининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ўтган икки йилдан ортиқ вақт ичида тўла шаклланиб, ўзларининг нималарга қодир эканликларини амалда намойиш эта бошладилар. Маслаҳатчилар эндиликда нафақат маҳалла бекаси, онаси, балки ўзининг бой тажрибаси, билими, ахлоқ-одоби, ибратли фазилати, юриш-туриши билан ҳам кўпчиликка намуна бўлиши кераклигини тўла тушуниб етдилар.

ОНА МЕҲРИ МИЛЛАТНИ АСРАР

Фармон ижросини таъминлаш бўйича доимий ишлайдиган республика комиссиясининг сайёр йиғилишлари пойтахтнинг барча туманларида бўлиб ўтди. Уларда ўтган қисқа даврда Тошкент шаҳар ҳокимияти, шаҳар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталари томонидан маҳаллаларда амалга оширилган ижобий ишлар, тўпланган бой тажрибалар тилга олиниб, уларни кенг оммалаштириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, ҳали ҳам ўз ечимини кутаётган айрим масалалар атрофлича таҳлил этилди. Юртбошимизнинг «Оила, соғлом маънавий-ахлоқий муҳит ролини ошириш даркор», деган фикрлари йиғилишларнинг бош мавзуси бўлди.

Маҳаллалар фуқаролар йиғинлари маслаҳатчиларига республика комиссияси тавсияси билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, республика «Оила» илмий-амалий маркази томонидан тайёрланиб, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан кўп минг нусхада нашр этилган «Маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишларини ташкил этиш услубий қўлланмаси» барча маҳаллаларга етказиб берилди.

Фармон ижросини таъминлаш ва бу борада маҳаллаларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича Тошкент шаҳрига бириктирилган Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ишчи гуруҳи томонидан қарийб барча маҳаллалар ўрганиб чиқилди. Маслаҳатчиларга ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётлар, ҳуқуқий қўлланмалар ҳомийлик асосида етказиб берилди, ишни намунали ташкил этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Бир қатор маҳаллаларга мебеллар тақдим этилди. Пойтахтдаги барча маҳаллалар ўзаро мулоқот олиб бориш-ларига қулайлик яратиш учун ҳомийлик асосида «Маълумотнома» китобчаси ҳам чоп этилиб, жойларга етказилди.

Йиғилишларда диний ақидапарастликнинг олдини олиб, миллий анъаналарни, қадриятларни кенг тарғиб қилаётган, ўзининг ибратли ишлари билан барчага намуна бўлаётган Собир Раҳимов туманидаги «Намуна» маҳалласи фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Муҳаррам Содиқова, Чилонзор туманидаги «Мевазор» маҳалласи фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Мукамбар Тўраева, Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулзор» маҳалласи фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Маҳфуза Шоёқубова, Яккасарой туманидаги Усмон Носир номли маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Азиза Мусахонова каби бир қатор фидойиларнинг серқирра фаолияти барчага намуна қилиб кўрсатилди. Шунингдек, маҳаллаларда хотин-қизлар, ёшлар ўртасида ишсизлик муаммосини бартараф этиш, хонадонларда касаначиликни кенг ривожлантириш, тадбиркорликни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли сармоя бериш мақсадида ташкил этилган «Микрокредитбанк»нинг ҳар бир туман бўйича олиб бораётган ишлари атрофлича таҳлил этилди. Аммо шаҳар бўйича кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланишни ният қилган хотин-қизларга имтиёзли кредит бериш ишлари қониқарсиз эканлиги ошкора айтилди. Муаммоларни ҳал этиб, фуқароларнинг кредит олишлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш кераклиги таъкидланди.

Туманлардаги ишчи комиссияларга маҳаллаларда оилалар ўртасида соғлом турмуш тарзини камол топтириш, оналар ва болалар сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўртасида спорт турларини кенг оммавийлаштириш, жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хусусан, кам таъминланган оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб борилаётган ибратли ишларни янада юқори даражага кўтариш топширилди. Мамлакатимиз келажаги бўлган садоқатли, жасур, ватанпарвар ўғил-қизларни тарбиялаб, вояга етказишда Ўзбекистон Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди ҳамда шу долзарб масала юзасидан тарбиявий ишларни янада кучайтириш борасида тавсиялар берилди.

Бўлиб ўтган мажлисларда қилинган маърузалар, мунозара ва таклифлардан сўнг маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилар, хотин-қизлар қўмиталарининг асосий эътиборини айрим масалаларга қаратиш лозим, деб топилди. Хусусан, хотин-қизлар, барча ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал, сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, турли зарарли ғоя ва мафкураларга, вайронкор кучларга, бефарқлик ва лоқайдликка қарши қатъий кураш олиб бориш, тинчликни севиш, ёшларда мустақил ва қатъий позицияни шакллантириш, аёлларнинг алоҳида эътиборга лойиқ, ёрдамга муҳтож қатламларига доимий ёрдам кўрсатиш, салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун маҳалла посбонларининг масъулиятини ошириш ҳамда хотин-қизлар, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, жиноятчилик, диний экстремизм, чекиш, гиёҳвандлик, ОИТС каби иллатларга қарши изчил кураш олиб бориш кун тартибидаги долзарб масалалардандир.

Йиғилишларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова қатнашди ҳамда фармон ва қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан ҳар бир туманда олиб борилаётган ишлар чуқур таҳлил этилган маърузалар қилди.

Р. ЖАББОРОВ.

«Халқ сўзи» назоратида

«Табиат яратган бебаҳо мўъжизаларни асраб-авайлаш, қадрлаш ва келажак авлодларга уларни асл ҳолида қолдириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Афсуски, инсон боласининг табиатни асраб-авайлаш билан бирга, баъзан унга жиддий зиён-заҳмат етказиш ҳолатлари ҳам учраб турибди».

(«Чорвоқни асрайлик. Дам олиш маданиятини қачон ўрганамиз?», «Халқ сўзи», 2006 йил 8 август).

Тегишли ташкилотлар аралашгач...

«Маълумки, «Чорвоқ» сув омбори атрофи, жумладан, Угам, Чотқол, Кўк-су дарёларининг қуйи қисми ҳавзалари ёз ойларида дам олувчиларнинг асосий масканига айланади. Шу боис Бўстонлиқ тумани Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази томонидан ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғини раисларига мавсум бошланиши олдидан «санитария талабномалари» берилган эди. Шунга қарамай, жойларда дам олувчилар санитария қоидаларини бузишган. Жумладан, «Чорвоқ» сув омбори қирғоқларида дам олувчилардан беш нафар фуқарога нисбатан 85,0 минг сўм миқдорида жарима солинган.

Юсупхона қишлоғида жойлашган «Бурч-мулло таъминот» хусусий фирмасига қарашли «Чорвоқ» сув омбори дам олиш ҳудудидаги «Олма бог» аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаси пляж ҳудудига автомашина кириб чиқишидан тушган маблағ ғазнага кирим қилинмаганлиги сабабли корхонага нисбатан жарима белгиланди. Шунингдек, амалдаги қонунчилик талабларини бузиб, ҳуқуқбузарлик содир этган 29 нафар фуқарога 302200 сўмлик жарима солинган. Ҳозирги кунда «Чорвоқ» сув омбори бошқармаси томонидан Сижжак, Боғистон, Боладала қишлоқларининг сув омборига туташ жойларида чиқиндиларни тозалаш ишлари олиб борилмоқда.

Н.ҲАИТҚУЛОВ,
Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари».

ЖАҲОН 24 соат ичида

Саддам Ҳусайн ўлим жазосига ҳукм этилди. Ироқнинг собиқ президенти устидан чиқарилган ҳукм халқаро ҳамжамиятда кенг муҳокама қилинмоқда. Россия Ташқи ишлар вазирлиги бу ҳолатни Ироқнинг ички иши дея таърифлади. Финляндия ЕИга раҳбарлик қилаётган мамлакат сифатида Саддам Ҳусайнга нисбатан ўлим жазосини қўлламасликка чақирди. Германия Канцлери Ангела Меркел ҳам мазкур ҳукмдан норози эканлигини билдирди. Amnesty International ташкилоти собиқ диктатор устидан ўтказилган суднинг адолатли ўтганига шубҳа билан қарамоқда.

Ҳиндистонлик бизнесмен Лакшми Миттал «Арселор Миттал»га директор бўлди. «Миттал Стел» компанияси асосчиси Европанинг металлургияни қайта ишловчи энг йирик компанияларидан бири ҳисобланган «Арселор»нинг акцияларини сотиб олгандан сўнг уларни бирлаштирди.



Балиқлар тез орада қирилиб кетиши мумкин. Агар балиқ овлаш шу тарзда давом эттирилса, асрнинг ўрталарига келиб, денгиз ва океанлардаги балиқлар буткул қирилиб кетиши эҳтимоли бор. Science журналида бу ҳақда шовшувли мақола чоп этилди. Тадқиқотчилар халқаро гуруҳининг хулосаларига кўра, денгизда балиқ овлашнинг замонавий техникалари кашф этилмоқда.



Буюк Британияда аҳоли қаттиқ назорат қилинмоқда. Бирлашган Қироллиқда чоп этилган расмий ҳисоботга кўра, мамлакат одамларнинг ҳар бир қадами назорат қилинадиган жойга айланиб бормоқда. Мазкур ҳисобот фуқароларнинг шахсий турмушини муҳофаза қилишга масъул бўлган ҳукуматга тегишли комиссия талаби билан тайёрланди. Дўконлардаги ҳисоб-китоб, телефон орқали суҳбатлашув, кўча-кўйда сайру саёҳат каби барча хатти-ҳаракатлар махсус кузатувда. Бу эса инсон ҳуқуқларини поймол этиш, дея баҳоланмоқда.

Газ нархи яна оширилади? Россиянинг энг йирик энергетика компанияси «Газпром» 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб Грузияга экспорт қилинаётган газ нархини икки бараварга оширмоқчи. Компания вакилининг сўзларига қараганда, ҳар бир минг кубометр газ учун расмий Тбилиси 230 АҚШ доллари миқдорида ҳақ тўлаши лозим.

Хитойдаги шахталардан бирида портлаш юз берди. Мамлакат шимолидаги Шаньси музофотида юз берган мазкур фожиа 17 кишининг умрига зомин бўлди. Бундан ташқари, бир неча ўнлаб кончи бедарак кетган. Мамлакатда жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида шахталарда 2 мингдан ортиқ портлашлар юз берди. Натижада 3284 киши ҳалок бўлди.

Никарагуада президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга қараганда, Сандистлар миллий озодлик фронти етакчиси Даниэль Ортега ўз рақибларидан анча олдинда бормоқда. Ортега 1985-90 йилларда ҳам мамлакатни бошқарганди. Ўшанда ички зиддиятлар кучайиб, қуролли тўқнашувлар юз берганди. Натижада 30 минг одам қурбон бўлганди.

Беларусь Президенти Александр Лукашенко уч кунлик расмий ташриф билан Эронга келди. У ўз сафари давомида Эроннинг олий мартабали расмийлари билан учрашиб, ўзаро ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришни муҳокама қилмоқда. Бугун Лукашенконинг Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмади Нежод билан учрашуви кутилмоқда.

«ФАТХ» ва «ХАМАС» гуруҳи ягона миллий ҳукумат тузиш юзасидан келишиб олди. «Рейтер» ахборот агентлигининг хабарида таъкидланишича, Фаластин мухториятининг кейинги бош вазири ўзаро келишув асосида танлаб олинади ҳамда Маҳмуд Аббосга тавсия этилади. Миллий бирликка эришиш йўлида музокараларни ўтказишда мустақил депутат Мустафа Баргутий икки гуруҳ ўртасида воситачилик қилди.

Европа Иттифоқи аэропортларида янги қоида кучга кирди. Эндиликда иттифоқнинг 25 та аъзо мамлакатида ҳамда Швейцария, Норвегия ва Исландияда самолётларга йўловчилар ўзлари билан суюқ модда олиб чиқишларига рухсат этилмайди. Спиртли ичимликлар, минерал сув, гел, атир, тиш пастаси каби маҳсулотлар йўловчилардан олиниб, кўринадиган пакетда самолёт юкхонасига юборилади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Қудрат Раҳматович ПАРПИЕВ

Узоқ йиллар «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясига раҳбарлик қилган ажойиб инсон, ўз ишининг моҳир устаси Қудрат Раҳматович Парпиев бевақт ҳаётдан кўз юмди. Қ.Парпиев катта ҳаёт йўлини босиб ўтган ва ўзига хос ташкилотчилик тажрибасига эга бўлган раҳбар эди.

Олий ўқув юртини муваффақиятли тамомлаб, у навқирон мутахассис сифатида ишлаб чиқариш бағрига келди ҳамда «Андижонирмаш» заводидаги 12 йиллик фаолияти мобайнида ўсиб-улғайишнинг барча поғоналарини ҳалол босиб ўтди, механика-йиғув цехининг оддий ходимлигидан корхона директори лавозимигача кўтарилди. Ўз ишига юксак малакали ёндашув, бор кучғайратини олдинда турган мақсад ҳамда вазифаларни ҳал этишга тўла-тўкис сафарбар этиш, ҳаётда ўз ўрнини топа билган инсонга хос дадиллик ва шижоаткорлик унинг учун келгуси фаолиятида иш берадиган улкан тажрибани шакллантирувчи омилларга айланди.

Унинг ташкилотчилик укуви ва раҳбарлик салоҳияти мамлакатимиз учун янги соҳа — мустақиллик йилларида вужудга келган автомобилсозлик тармоғининг шаклланиши даврида, айниқса, тўла куч-қувват билан намоён бўлди. Ўзбекистонда илк автомобиль корхонаси — «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамиятини бошқарар экан, Қудрат Раҳматович Парпиев ўзини қобилиятли ва жонкуяр раҳбар, сифатида кўрсата олди. Ўзига топширилган ишга бутун борлиғини бағишлаб, сидқидилдан хизмат қилди.

1994 йилдан буён у аввал Уюшманинг, кейинчалик эса Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналарни ўзида бирлаштирган «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг бошқаруви раиси бўлиб ишлади.

Автомобиль саноатини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун Қ.Р.Парпиев «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвонига сазовор бўлган эди.

У камтар, бошқаларга ғамхўр, жонкуяр ва фидойи инсон эди. Дўстлари ҳамда ҳамкасблари хотираси ва қалбида ҳам у ҳамиша худди шундай инсон сифатида яшаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

потенциал инвесторлар ва харидорларни ишлаб чиқариш йўналишида фаолият юритаётган объектларни уларнинг барча муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмалари билан бирга, шунингдек, республиканинг турли ҳудудларида гаровга қўйилган бошқа мулкни инвестициялаш ёки харид қилишда иштирок этиш учун таклиф қилади.

Лойиҳанинг мақсади	Лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш йиллик ҳажми	Ускуналар ишлаб чиқарувчиси
Андижон вилояти		
Шоколад билан сайқалланган вафли ишлаб чиқариш	164 млн. ўрам	"Хаас Ваффельмашинен" (Австрия)
Қўй-эчки терисига ишлов бериш ҳамда чарм куртка ва манто ишлаб чиқариш	450 минг дона қайта ишланган тери ва 45 минг дона куртка	"И-ТАКО" (Туркия)
Минерал сув, ичимлик қуйиш ва цукатлар ишлаб чиқариш	мин. сув — 11,5 млн. шиша цукатлар — 57 тонна	"Альберто Бертуцци С.п.А." (Италия)
Музқаймоқ ишлаб чиқариш	1,2 минг тонна	"Тетра Пак" (Швеция)
Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш	16,5 минг тонна	"Паван" ва "Брайбанти" (Италия)
Қашқадарё вилояти		
Пишиқ ғишт ишлаб чиқариш	64 млн. дона	"Керамик Макина" (Туркия)
Мармар плиталар ишлаб чиқариш	60 минг кв.м.	"Тема фруголи" (Италия)
Томат пастаси ва мева бўтқаси ишлаб чиқариш	10 733 00 халтача томат пастаси ва бўтқа	"Фенко" (Италия)
Анор концентратларини ишлаб чиқариш	490 тонна	"Альберто Бертуцци С.п.А" (Италия)
Навоий вилояти		
Мармар плиталар ишлаб чиқариш	60 минг кв.м.	"Педрини С.п.А." (Италия)
Гранит блокларни қазиб олиш	6 000 куб.м.	"Техногранит" (Италия)
Мармар плиталар ишлаб чиқариш	60 минг кв.м.	"Тема фруголи" (Италия)
Наманган вилояти		
Қўй-эчки терисига ишлов бериш ҳамда чарм куртка ва дублёнка ишлаб чиқариш	300,0 минг дона тери ва 25,0 минг дона куртка, 25,0 минг дона дублёнка тикиш	"И-ТАКО" (Туркия)
Мева ва сабзавот шарбатларини халталарга қуйиш	307,7 минг халта	"Пак Лайн" (Исроил)
Вино (мусаллас ва вижиллаб турадиган) ва ароқ ишлаб чиқариш	14 млн. шиша	"Репарасионес Виниколас С.А." (Испания)
Томат пастаси ва мева бўтқаси ишлаб чиқариш	2470 тонна томат пастаси	"Сасиб фуд" (Италия)
Қоғоз ишлаб чиқариш	5,0 минг тонна	"ECOTEX Int." (Германия)
Самарқанд вилояти		
Пайпоқ ишлаб чиқариш (спорт ва оддий турдаги)	5 млн. жуфт пайпоқ	"Электроника валверди", "Микротекс" (Италия)
Бетон черепица ишлаб чиқариш	635 минг кв. м.	"Контакт Моравия" (Чехия)
Мева бўтқаси ва томат пастаси ишлаб чиқариш	1900 тонна мева бўтқаси 1900 тонна томат пастаси	"Сасиб фуд" (Италия)
Детонацион пуркаш усули билан автомобиль деталларини тиклаш	2,3 млн. марта отиш	"Адгезия" (Россия)
Сурхондарё вилояти		
Тиббиёт препаратларини ишлаб чиқариш	426 057 160 дона	"Мекабе Санте" (Маврикия)
Минерал сув қуйиш	йилига 1,5 литрли 1,2 млн. шиша	"Стека СА" (Франция)
Тошкент шаҳри		
Пойафзал ишлаб чиқариш	722,3 минг жуфт	"Гранучи С.Р.Л." (Италия), "Данисман Макина Санайи" (Туркия)
Боғлаш материаллари ишлаб чиқариш (тиббий бинт ва дока)	11 млн. ўрам	"Электроника валверди", "Фиттекс Лтд" (Италия)
Музқаймоқ ишлаб чиқариш	1,4 минг тонна	"Тетра Пак Хойер" (Дания)
Тагига олдирмайдиган тефлон қопламали идиш-товоқлар ишлаб чиқариш	2 млн. дона	"CEM Madeni Esya Senayi A.S." (Туркия)
Сопол пардоз плиталари ишлаб чиқариш	600 минг кв.м.	"Велко" (Италия)
Полимер идиш ва ПЭТ пресс-қолиплар ишлаб чиқариш	32,4 млн. дона ПЭТ пресс-қолип 40 млн. туркум бир турдаги идиш	"Miller Trading GmbH" (Голландия)
Пиво ишлаб чиқариш	330 минг литр	"Jacob Carl GmbH" (Германия)
Хонадон водопровод аралаштиргичлари, оқизиш жўмраклари ва уларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш	водопровод аралаштиргичлари ва оқизиш жўмраклари — 500 минг дона ярим тайёр маҳсулотлар (буюм корпусининг жез қуймаси) — 250 минг дона	"Галфитек Гальвано-унд Фальтертехник Гюнтерсберге ГмбХ" (Германия)
Полипропилен халталар ва тўр ишлаб чиқариш	10 млн. дона қоп 10 млн. дона тўр халта	Синцзянь ташқи иқтисодий савдо бирлашмаси (ХХР)
Тошкент вилояти		
Оқсил изолятини ишлаб чиқариш	7 минг тонна	"Варта Индастрис Корп." (Канада)
Болалар пойафзали ишлаб чиқариш	110 минг жуфт	"Вега Маркетинг Г.м.б.х", "Binder & Co" (Австрия)
Линолеум ва ПВХ плёнкалари ишлаб чиқариш	20 млн. кв.м.	"Эрмафа Кунстдонаофтехник Хемниц ГмбХ" (Германия)
Гранит плиталари ишлаб чиқариш	60 минг кв.м.	"Бретон" (Италия)
Хоразм вилояти		
Эркаклар пойафзали ишлаб чиқариш	810 минг жуфт	"Берпел С.р.л." (Италия)
Чармни қайта ишлаш, чарм курткалар ва дублёнкалар ишлаб чиқариш	300 минг дона чарм, 25 минг донадан куртка ва дублёнкалар	"Дери Максан", "Оздерсан", "Вилдирим" (Туркия), "Москони & Ко" (Италия)
Шарбатлар, мева бўтқаси ва томат пастаси ишлаб чиқариш	1628,3 т. томат-паста, кетчуп ва 3267,9 минг л. бўтқа, шарбат	"Фенко" (Италия)
Қорақалпоғистон Республикаси		
Томат пастаси ва томчилатиб суғориш тизимларини ишлаб чиқариш (140 га очиқ тупроқда)	2.400 тонна томат пастаси, 1000 тонна мева бўтқаси	"Альберто Бертуцци СпА" (Италия)
Музқаймоқ ишлаб чиқариш	288 тонна	"Хойер" (Италия)
Қалава, тўқимачилик ва трикотаж полотно ҳамда улардан буюмлар, тиббиёт бинтлари ва дока ишлаб чиқариш	9,6 млн. дона бинт ва боғлов материаллари, 1.100 тонна ипқалава	"Электроника валверди", "Фиттекс Лтд" (Италия)

Инвесторлардан бутун объектни харид қилиш ёки унинг бир қисмини инвестициялаш учун аризалар қабул қилинмоқда.

Манзилимиз:
Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 101-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Кичик бизнес бош бошқармаси, Кредит хатарлари бош бошқармаси.
Мулоқот учун телефонлар: 135-17-02, 134-45-33, 134-11-17, 134-42-69.

3468R/31

«ҲИМОЯ» ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА НИЗОЛАРИ

ТУРЛИ МУРАККАБЛИКДАГИ ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДА ХУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

ТЎЛОВ НАТИЖАЛАР БЎЙИЧА

Тошкент: (371) 133-11-13, 175-63-72, 301-33-15
Самарқанд: (3662) 33-30-99
Бухоро: (365) 223-63-72, 223-68-85
Навоий: (436) 730-99-80
Қарши: (371) 175-63-72

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2006 йилнинг 14, 21, 27 декабрь кунлари соат 15.00 да Республика кўчмас мулк биржаси Фарғона вилояти филиали биржа маркази биносида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Суд департаменти томонидан хатланган қуйидаги кўчмас мулк қўйилади:

Фарғона вилояти хўжалик суди томонидан хатланган «Рангли бўёқ» хусусий фирмасига қарашли, Фарғона вилояти, Риштон тумани, Оқ-ер қишлоғи, Амир Темур кўчаси, 44-уйда жойлашган бино ва иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 41 818 784 сўм.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 кун олдин соат 16.00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини РКМБ Фарғона вилояти филиалининг қуйидаги: х/р 20210000700571452023, МФО 00497, «Халқ банки» Фарғона шаҳар бўлими ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Ариза топшириш ва қўшимча маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин.

РКМБ Фарғона вилояти филиали манзили:
Фарғона шаҳри, М.Қосимов кўчаси, 35-уй, Биржа маркази.
Телефонлар: (8-373) 24-68-70, 24-68-72.
Интернет сайтимиз: www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 №000004.

3428R/1068

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИ ТУЗИЛМАВИЙ КАБЕЛЬ ТИЗИМИ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА УСКУНАЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИГАН

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Танлов ўтказиш тартиби ҳақидаги маълумотларни ва танлов ҳужжатлари тўпламини қуйидаги манзилда олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-уй. Телефонлар: 144-89-44, 144-97-66. Факс: 144-22-96. Ички телефонлар: 200, 766.

Танлов таклифлари эълон чоп этилгандан бошлаб 10 иш куни давомида (якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

3429R/1069

Жиззах шаҳрининг энг обод гўшаларидан бири ҳисобланган «Зилол» маҳалласида янги гузар қуриб битказилди.

«Зилол»нинг янги гузари

Икки қаватли кўркам бинони фойдаланишга топшириш учун «Муяссар ота» кўп тармоқли фирмасига уч ой кифоя қилди. Имомқул Раҳматуллаев раҳбарлик қилаётган мазкур жамоа 3800 киши истиқомат қилаётган маҳалла аҳли учун савдо ҳамда маданий-маиший хизмат шахобчалари ҳам барпо этишди. Энди маҳалла гузарининг ўз кутубхонаси, дорихонаси бор. 17 миллат вакиллари аҳил яшаётган маҳалланинг маънавият хонаси миллий анъаналарга хос, ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатликка мос рухда жиҳозланган.

Энг асосийси, маҳалла гузари «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг шаҳардаги ёрқин намуналаридан бири бўлиб қолади. Негаки, гузар қурилиши асосан ҳомийлар маблағи эвазига амалга оширилиб, жами 300 миллион сўмга яқин пул сарфланди.

Баҳриддин САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"Хоразмлик буюк аллома"



Таниқли шарқшунос олим Убайдулла Уватовнинг янги китоби шундай номланган. Унда улуғ ватандошимиз, 1075-1144 йилларда яшаб ижод этган хоразмлик Маҳмуд аз-Замахшарий ҳақида ҳикоя қилинади. Китоб аллома ҳақида қизиқарли маълумотларни ўзида жамлаган бир нечта қисмдан иборат. Ушбу бобларнинг ҳар бирида алломанинг ўзига хослиги қунт билан тадқиқ этилган.

Муҳими шундаки, китобдан Замахшарийнинг "Навобиғ ал калим" (Нозик иборалар) асари таржималари ҳам ўрин олган. Демак, мазкур илмий-маърифий асар миллий меросимиз ихлосмандлари учун муносиб совғадир.

"Янги аср авлоди" нашриёти туҳфаси

Самимият сатрлари

Шоир ва журналист Абдусаид Кўчимовнинг "Кўзларимнинг ардоғидасан" деб аталувчи янги китоби билан танишар экансиз, ундаги ҳар бир шеър энг аввало самимиятга йўғрилганини ҳис этасиз. Ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат, дўстликка садоқат каби туйғуларни таранним этувчи шеърларда кенг мушоҳадакорлик, содда ва чиройли ташбеҳлар ўз ўрнида ишлатилган. Отам ўгитлари, деб номланган тўртликларнинг тўпламдан жой олгани, айниқса, диққатга сазовордир. Чунки ушбу ихчам сатрлар орқали кемтигу ноҳақликлар, инсон табиатидаги айрим ноқисликлар маҳорат билан қаламга олинган. Мана улардан биттаси:

Менсиз тонг отмайди, дер эмиш хўроз,
Бизлар энг гўзалмиз, дермиш туялар.
Йўлингда учраса қилма эътироз,
Нодон туялар-у, товуқмиялар.

Икки тилда ёнма-ён

Асл санъат миллат танламайди, сарҳад билмайди. Машҳур рус қўшиқчиси ва актёри Владимир Висоцкийнинг ижоди ҳақида гапирганда, ҳам ҳеч иккиланмасдан шундай дейиш мумкин. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида катта шуҳрат қозонган санъаткорнинг яратган қўшиқлари ва кинода ижро этган ролларини юртимизда кўпчилик яхши билади. В. Висоцкий шунингдек, ёниқ қалб соҳиби бўлганки, бу хислат унинг шеърлари орқали яққол кўзга ташланади.

Таниқли ижодкорнинг шоир ва журналист Амирқул Карим таржимасидаги "Таъқиқланган қўшиқлар" (Запрещенные песни) деб номланган китоби эса, ўйлаймизки, китобхонларга албатта манзур бўлади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Ажабо!

Кейинги пайтда аксарият радиотўлқинларда янграётган қўшиқларни тинглаётганимизда, «Шу қўшиққа овоз беринг! Қўшиқ кодини фалон рақамга юборинг», деган даъватлар янграмоқда. Ёки ТВда клип томоша қилаётсак, телевизорнинг пастки қисмида турли рақамлар билан ҳарфлар қоришмасидаги ёзувларга кўзимиз тушади: «Агар шу қўшиқ ёки клип юқори поғоналарни забт этишини истасангиз, SMS орқали ... рақамларига овоз жўнатинг». Гап нима ҳақида кетаётганини илғагандирсиз. Шундай бўлса ҳам айтишга тўғри келади. Юқоридаги ҳолатларнинг барини бир сўз боғлаб турибди — SMS.

SMS — БЕКОРЧИГА ЭРМАКМИ?

Техника ривожланаётганига эътибор беринг-а: мобиль телефонлар ихтиро қилинган йилларда бу симсиз қурилманинг қудратига тасаннолар айтган эдик. Кейинчалик мазкур воситага «SMS» деган бўлимнинг киритилиши унинг имкониятларини янада кенгайтирди. Бундан олти йил аввал SMS (Short Message Service — қисқа хабарларни жўнатиш тизими) ҳақида ҳеч ким эшитмаганди. 2000 йил охирларида уяли алоқа телефонларининг менюсига SMS бўлими киритилганда ҳам, аксарият мобиль телефон эгалари бу тизимни "бекорчининг иши" дея таъкидлашди. Бироқ тез орада ҳақиқий «SMS»ча ҳаёт бошланди, яъни мазкур тизим ер юзидаги аксарият ёшларнинг юрагидан жой олишга улгурди. Шу сабабдан ҳозирда ОАВда "SMS-test", "SMS-kino", "SMS-xit parad", яна SMS бир нималар билан бошланувчи дастурларга дуч келсак, ажабланмай қўйдик.

Оммавий ахборот воситаларида SMS хабарлардан унумли фойдаланиш кенг йўлга қўйилди. FM тўлқинлари орқали яқин кишингизни табриклашингиз, севги изҳор қилишингиз мумкин (асосан «Гранд», «Ҳамроҳ» ва «Ўзбегим таронаси» радиоларида). Яқинда телеканаллардан бирида футбол бўйича Европа Чемпионлар лигасининг бир учрашувини томоша қилдим. Футбол учрашуви ярим тунга яқин бошланди. Зўр иштиёқ билан ўйинни томоша қилишни бошлаган эдим ҳамки, шарҳловчи "Севимли футболчингизга SMS орқали овоз беринг. Энг кўп овоз йўллаган мухлисни совға кутиб турибди", деган жумлани ўйин охиригача оғзидан туширмади. Натижада телетомошабинлар юзлаб «SMSча»ларни юборишди. Маълумотларга кўра, юртимизда бир маротаба SMS-овоз юбориш анчагина сўмга тушади. Агар, SMSни кўплаб инсонлар юбораётганлигини ҳисобга олсак, қанча пул кетаётганлигини тасаввур қилиб кўраверинг. Мабодо улардан бирига шу пулга китоб олиб ўқишни тавсия қилсангиз борми, худди бор пулидан айриладиган инсондек, гапингизга эътироз билдиради.

Ҳозирда ёшларнинг аксариятида уяли алоқа телефонлари мавжуд. Кўчакўйда, ўқишда уларнинг қўллари мобиль телефонининг тугмачаларида бўлади. Яқин дўст-танишларига хабарлар жўнатишади. Мабодо уларнинг «эсэмэсча»ларига кўзингиз тушса, ҳайратланишингиз табиий:

— Yahwi yigit momilezga gap yo. Lekin siz mani notugri twundiz man sizga qiliwimdan maqsad siz bn taniwiw emas edi. Wun4aki kim ekanlizni bilmoqchi edim.

Аслида бу оддий талабанинг танишига ёзган хабарчаси эди. Уни қуйидагича ўқилишини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

— Яхши йигит номерингиз (телефон рақами)га гап йўқ. Лекин сиз мани нотўғри тушундиз, сизга қилишимдан мақсад (телефон назарда тутиляпти) сиз билан танишиш эмас эди. Шунчаки ким эканлизни билмоқчи эдим.

Ҳақиқатан ҳам SMS хабар ёзаётган ёшларнинг аксарияти ана шундай имловий хатоларга йўл қўйиб, бир-бирларига хабарлар жўнатишмоқда. Айрим ота-оналар ўз фарзандининг қўлига мобиль телефон эмас, китоб тутқазишса фойдадан холи бўлмасди.

SMS тилида алоқа ўрнатувчиларнинг сони кун сайин ортаётганлиги сабабли тизимга янгича бўлимлар киритилмоқда. Аллақачон «SMS-шеърият» бўлими ер юзини қамраб бўлди. Microsoft компанияси эса хабар орқали инсонларни бир-бирларига севги номаларини жўнатишга, ҳақорат қилишга, ҳаттоки, ажрашишга ҳам имкон берувчи қулайликлар яратди. Абитуриент аҳли SMSни қандай ҳолатларда ишлатишни ўрганди. Албатта, юқоридаги ҳолатлар ёшларнинг уддабуронлик хислатини оширса-да, бироқ уларда эринчоқлик, билимсизлик каби иллатларнинг кўпайишига ҳам сабабчи бўлади.

Айни дамда SMS фақат бир-бирига хат ёзиш воситаси бўлиб қолмаяпти. Унда «чат», «танишув», турли ўйинлар, латифалар, қўшиқ ва расмларни кўчириб олиш каби хизматлар мавжуд. Буларнинг бари ҳаммадан ҳам кўра ёшларга қизиқарлироқ кўринади. Ва улар бор пулларини ана шу хизматларга сарфламоқдалар. Маркетологларнинг тахминларига кўра, яқин йилларда ёшлар уяли алоқага сарфлайдиган маблағларининг 85 фоизини SMS-мулоқотга кетказар эканлар.

Бу ҳолат мамлакатимиз ёшларини ҳам четлаб ўтмаслиги табиий. Чунки ҳозирда кўпгина уяли алоқа компаниялари ўз мижозларига SMS-ўйин ва форумларда иштирок этишни, кунлик об-ҳаво ҳамда толеномаси нима деяётганини билишни таклиф этишмоқда. Воқелик кўрсатяптики, SMS чегараланмаган ҳамда ёшларнинг кўнгилхушлик қилишлари учун бор пулларини сарфлашга имкон яратган. Айтайлик, SMS орқали янги қўшиқнинг қисқа мусиқасини кўчириш таклифи тушди. Уни мобиль телефонига кўчирсангиз, салкам 1000 сўм сарфлаяпман, деяверинг. Чунки бу каби хизматлар SMSда шунча маблағни ташкил этади. Қўшиқнинг кўчирилганига амин бўлиш мақсадида тингласангиз, унда бир нечта нота бўлади, холос. Яъни, қўшиқ деб аташга тилингиз бормайди. Демак, бу каби хизматлар муайян сарф-харажатни келтириб чиқаради. Айтганча, SMS орқали сизга таклиф қилинаётган «маҳсулот»нинг сифатига ким кафолат бера олади?

Инсон аксарият ҳолларда вақтини бесамар ўтказишига ўзи сабабчи бўлади. Бундай жараён инсонни ҳаётнинг турли ўнқир-чўнқирликларида қоқилишига олиб келади. Шундай экан, умримизнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, вақтимизни ўзимиз учун, жамият учун ижобий жараёнларга сарфласак фойдадан холи бўлмасди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Российский линолеум
Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск
тел. 134-48-11
факс 134-49-58

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Халқаро анжуман

Ўзбекистон Бадиий академияси санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида "Ўзбекистон — Эрон маданий алоқалари: Исфаҳон санъати ва умумминтақавий бадиий анъаналар" деб номланган илмий-ижодий анжуман бўлиб ўтди. Мазкур йиғилиш икки давлат ўртасидаги дўстлик, маданий-маърифий ва ижтимоий алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилди. Анжуманда Шарқ мамлакатларининг тарихий-маданий меросини чуқур ўрганиш ва бойитиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, халқимиз маданияти, мусиқа ва театр, меъморчилик ва амалий-безак санъатини улуғлаш, уни ёшлар онгига сингдириш муҳимлиги айтиб ўтилди. Конференцияда Эрон — Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Фатҳали, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев, Эрон бадиий академияси академиги, доктор Ҳасан Булҳорий ва бошқа ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Тадбир доирасида 20 дан ортиқ рангтасвир, турли экспонатлар ва санъат намуналари ўрин олган кўргазма намойиш этилди.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ
АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АГЕНТЛИГИ НАМАНГАН ФИЛИАЛИ

2006 йил 17 ва 24 ноябрь кунлари соат 10.00 да Наманган шаҳар, У.Носир кўчаси, 7-уйда аукцион савдоларини ўтказади.

Аукцион савдоларига банкрот деб эълон қилинган Наманган вилояти, Косонсой тумани, Мираҳмедов кўчаси, 28-уйда жойлашган «Косонсой текстиль» қўшма акциядорлик корхонасининг қуйидаги мулклари қўйилмоқда:

1. «Косонсой текстиль» қўшма акциядорлик корхонаси мулкларидан транспорт воситаларини ажратиб, қолган мулклари мужассам ҳолда.
Бошланғич баҳоси — 8 060 405 000 сўм.
2. «Косонсой текстиль» қўшма акциядорлик корхонаси транспорт воситалари қуйидаги рўйхат бўйича:
а) «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 16 AI 550 (двигатели таъмирталаб, шиналари 60% яроқсиз).
Бошланғич баҳоси — 3 031 819 сўм.
б) «ЖУК» русумли автотранспорт воситаси, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 16 AI 473 (таъмирталаб, шиналари 80% яроқсиз).
Бошланғич баҳоси — 1 450 594 сўм.
в) «ЗИЛ-133 ГД» русумли автотранспорт воситаси, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 16 AI 491 (двигатели ва узатмалар қутиси капитал таъмирталаб, шиналари 100% яроқсиз).
Бошланғич баҳоси — 4 200 000 сўм.
г) «Т-28» русумли трактор тиркамаси билан, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 5148 НВ (двигатели таъмирталаб, шиналари 60% яроқсиз).
Бошланғич баҳоси — 840 000 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади. Шунингдек, 2006 йил 17 ноябрда сотилмаган мулклар 2006 йил 24 ноябрда ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Наманган шаҳри, У.Носир кўчаси, 7-уй. Телефонлар: (код-369) 226-70-61, 226-94-87 ёки Тошкент шаҳридаги телефонлар: 138-69-70, 138-69-93.

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли


ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

Фарғонада бокс бўйича 1990-92 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтган халқаро турнирда икки юз нафар спортчи 16 вазн тоифасида ўзаро куч синашди.

ЁШ БОКСЧИЛАР ФАРҒОНАДА БЕЛЛАШДИ

Беллашувларда фарғоналик Ф.Норматов, Ш.Эргашев, У.Раҳмонов, А.Раҳмонов, М.Абдуллаев, Ш. Исоқжонов, И.Раҳимов, С.Хазратов, У.Нозиров, Т.Тиллаев, Р.Саматов, жиззахлик Ш.Хўжабеков, сирдарёлик М.Тошпўлатов, бухоролик А.Эргашев, андижонлик Ш.Абдуллаев ва қирғизистонлик Д.Абдураҳмонов ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратди.

Қ. ҚАРШИЕВ,
ЎзА мухбири.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси институт ректори, техника фанлари доктори Қадам Жуманиязовга онаси
ЗУЛАЙҲО аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Фармацевтика институти жамоаси Ботаника ва доривор ўсимликларни ўстириш технологияси кафедраси доценти Акмал Абзаловга онаси
Обида ая СИДДИҚОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди жамоаси судья Отабек Исмоиловга падари бузруквори
Абдураҳмон ИСМОИЛОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.10 12345